



2020 у « 30 » сентябрь

№ Қ-503

« \_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ г

**Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё”  
массивидан “SARBON-555” МЧЖга боғ  
ташқил этиш ва “Паррандачилик фермаси”  
қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/611-сон йиғилиш баёни, Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 5 августдаги 01-05/1247-сон хатини кўриб чиқиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/611-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Бандихон Сариосиё” массивидан “SARBON-555” МЧЖга қишлоқ хўжалик харитасининг 369қ-дала контуридан жами 10,50 гектар яйлов ер майдони, шундан 10,0 гектарига боғ ташқил қилиш учун ва 0,50 гектарига “Паррандачилик фермаси” қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “SARBON-555” МЧЖ “Паррандачилик фермаси” қуриш мақсадида 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 7 152 290 (етти миллион бир юз эллик икки минг икки юз тўқсон) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер хисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов